



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**TOG'-KON SANOATI VA GEOLOGIYA VAZIRLIGI**

**BUYRUQ**

2023-yil " 19 " 05

44 - son

Toshkent shahri

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президентининг 2023 йил 8 майдаги**  
**ПФ-67-сон Фармони ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 8 майдаги ПФ-67-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги ПФ-67-сон Фармонига 1-иловининг 80-позициясига мувофиқ давлат органлари ва ташкилотларида янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича ўз йўналишидан келиб чиқиб, чора-тадбирлар дастурларини тасдиқлаш ва уларнинг қатъий ижросини таъминлаш белгиланганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тоғ-кон саноати ва геология соҳасида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Марказий аппарат бўлинма бошликлари, тизим ташкилотлари раҳбарлари дастурда назарда тутилган барча тадбирларни ўз вақтида қатъий ижросини таъминлаш бўйича масъул эканликлари белгилансин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Кадирходжаев зиммасига юклансин.

Вазир

**Б.Ф. Исламов**

**Тоғ-кон саноати ва геология соҳасида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури**

Т/р	Устувор вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
<b>I. Демократик давлат принцигига кўра демократик тараққиёт йўлини давом эттириш, парламентаризмни кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш</b>				
1.	Вазирлик ва тизим ташкилотларида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини доимий таъминлаш чораларини кўриш (81-модда).	<p>1. Фуқароларнинг сўз ва ахборот эркинлигига доир конституциявий ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i></p> <p>2. Оммавий ахборот воситаларининг профессионал фаолият чегарасидаги мустақиллиги ва эркинлигини ҳар жихатдан қўллаб-қувватлаш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i></p> <p>3. Вазирликнинг оммавий ахборот воситалари билан алоқалар, матбуот, ноширлик-матбаа ва ахборот-кутубхона йўналишидаги фаолиятини ривожлантириш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i></p> <p>4. Вазирлик ва тизим ташкилотлари фаолиятининг очиклигини таъминлашда давлат хизматчиларига оммавий ахборот воситалари билан очик мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик қилиш маданиятини сингдириш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i></p>	<p>2023 йил июнь</p> <p>2023 йил июнь</p> <p>2023 йил июнь</p> <p>доимий равишда</p>	Ахборот хизмати ва рейтинг бўлими (А. Акабиров), Вазир котибияти (З. Саидов), тизим ташкилотлари раҳбарлари
<b>II. Ҳуқуқий давлат принции асосида инсон кадрини улуғлаш сиёсатини сифат жихатдан янги босқичга чиқариш, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш</b>				
2.	Соҳада ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик	Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан амалдаги лицензия (рухсатнома) шартларига	2023 йил июль	Кон-геология назорати ва давлат хизматлари бўлими

Т/р	Устувор вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
	конституциявий принципига амал қилинишини таъминлаш (20-модда).	риоя қилинмаган, шунингдек улар томонидан ҳуқуқбузарликлари содир этилган ҳолларда уларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чораларининг лицензия (рухсатнома) шартларига риоя қилинмаганликда акс этган ҳаракатига, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликка мутаносиблигини тадбиркорлик субъектлари ҳамда вазирлик тизимидаги мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида муҳокамалар ўтказиш орқали қайта кўриб чиқиш. Бунда, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашнинг кўзланган мақсадга эришиш учун мос бўлишини, ҳуқуқий таъсир чорасини қўллашда ҳуқуқбузарликни содир этганнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини энг кам даражада чекланишини таъминлашга эришиш.		(Ў. Джаббаров), “Давлат геология ахборот маркази” ДМ (Ш. Мирходиев, Э. Фозилов)
3.	Вазирлик ва тизим ташкилотларида шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслигини таъминлаш (28-модда).	Шахснинг судланганлиги унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаши мумкин эмаслигини таъминлаш.	доимий равишда	Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, Коррупцияга қарши курашиш ва ички назорат бўлими (Ш. Сағдуллаев), тизим ташкилотлари раҳбарлари
4.	Вазирлик ва тизим ташкилотларида интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш чораларини кўриш (33-модда).	Интернет тармоғидан кенг поласали фойдалана олиш имкониятини яратиш, шунингдек, телекоммуникация инфратузилмасини, мультисервиси алоқа тармоқлари технологияларини, мобиль алоқа бозорини ва бошқа замонавий телекоммуникация хизматлари қамровини кенгайтириш.	2023-2024 йилларда	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш бўлими (О. Халилов), Ахборот хизмати ва рейтинг бўлими (А. Акабиров), “Давлат геология ахборот маркази” ДМ (Ш. Мирходиев, М. Абдуллаев), тизим ташкилотлари раҳбарлари
5.	Соҳада қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш	Тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан, хорижий инвесторлар учун қулай	2023 йил июль	Кон-геология назорати ва давлат хизматлари бўлими

Т/р	Устувор вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
	бўйича ислохотларни давом эттириш (67-модда).	ва кафолатланган инвестиция муҳитини яратиш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i>		(Ў. Джаббаров), “Давлат геология ахборот маркази” ДМ (Ш. Мирходиев, Э. Фозилов) Хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлими (К. Тохиржонов) tizim ташкилотлари раҳбарлари
<b>III. Ижтимоий давлат принципи асосида давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятларини амалга ошириш, кучли ижтимоий ҳимоя ва муҳтожларга ғамхўрлик бўйича давлат сиёсатини изчил давом эттириш</b>				
6.	Вазирлик ва тизим ташкилотларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш (48-модда).	1. Вазирлик ҳамда тизим таркибидаги ташкилотлар ўртасида спортни оммалаштириш ва соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i> 2. Ташкилотлар кесимида, айниқса, ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилишини даврий равишда ташкил этиш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i>	2023 йил 1 июндан бошлаб  2023 йил 1 июндан бошлаб	Вазирликнинг спортни ривожлантириш бўйича масъул ходими (Ж. Азимов), Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги касаба уюшмаси (Ф. Магдиев), тизим ташкилотлари раҳбарлари
7.	Болаларда ҳамда ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқликни, мамлакатидан ҳамда халқнинг бой маданий ва маънавий меросидан фахрланишни, ватанпарварлик ва Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш (78-модда).	Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланган ва 18 ёшгача бўлган болаларнинг Давлат геология музейига тўловсиз кириш тартибини жорий этиш.	2023 йил 1 сентябрдан бошлаб	Халқаро ҳамкорлик, фан ва таълим бўлими (О. Қодиров), “Геология фанлари университети” ДМ (М. Исоқов), “Давлат геология музейи” ДМ (А. Ахмедшаев)
8.	Вазирлик тизимидаги таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий ўсишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш	1. Ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар учун жазо чораларини кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. <i>Ахборот хати</i> 2. Ўқитувчиларни ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.	2023 йил сентябрь  2023 йил сентябрдан	Халқаро ҳамкорлик, фан ва таълим бўлими (О. Қодиров), “Геология фанлари университети” ДМ (М. Исоқов)

Т/р	Устувор вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
	(52-модда).	<p><i>Амалий чора-тадбирлар</i></p> <p>3. Ўқитувчилар учун замонавий билимлар ва педагогик усулларни етказиб берувчи малака ошириш ва стажировкаларга юбориш курсларини ташкил этиш.</p> <p><i>Амалий чора-тадбирлар</i></p>	<p>мунтазам</p> <p>2023 йил сентябрдан мунтазам</p>	
9.	<p>Вазирлик ва тизим ташкилотлари фаолиятида хотин-қизлар ва эркакларга тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш (58-модда).</p>	<p>1. Давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш орқали турли жинсдаги шахсларнинг иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратиш.</p> <p><i>Амалий чора-тадбирлар</i></p> <p>2. Кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлиги тамойилига қатъий риоя қилиш, шунингдек, давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг эркин иштирок этишини таъминлаш, алоҳида хусусиятларга эга бўлган касб соҳалари бундан мустасно.</p> <p><i>Амалий чора-тадбирлар</i></p>	<p>Доимий</p> <p>Доимий</p>	<p>Оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилот раиси (Н. Дулабова),</p> <p>Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, тизим ташкилотлари раҳбарлари</p>
10.	<p>Вазирлик ва тизим ташкилотларида ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш каби ҳолатларнинг олдини олиш (42-модда).</p>	<p>Вазирлик ва тизим ташкилотларида ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш каби ҳолатларга йўл қўймаслик.</p> <p><i>Амалий чора-тадбирлар</i></p>	Доимий	<p>Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, тизим ташкилотлари раҳбарлари</p>
11.	<p>Вазирлик ва тизим ташкилотларида давлат хизматидаги киришда Ўзбекистоннинг барча фуқаролари учун тенг шароитларни</p>	<p>Ўзбекистон фуқаролари вазирлик ва тизим ташкилотларида давлат хизматидаги киришда тенг ҳуқуққа эгаллигини белгиллаган ҳолда давлат фуқаролик хизматининг мазкур</p>	Доимий	<p>Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, Коррупцияга қарши курашиш ва ички назорат бўлими (Ш. Сағдуллаев),</p>

Т/р	Устувор вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
	яратиш (37-модда).	тамойилга асосан ташкил этилишини таъминлаш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i>		тизим ташкилотлари раҳбарлари
12.	Соҳада ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш бўйича чораларни белгилаш (79-модда).	1. Ёшларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиришни йўлга қўйиш <i>Амалий чора-тадбирлар</i> 2. Ёшларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i> 3. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i>	2023 йил сентябрь  2023 йил октябрь  доимий	Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, Ёшлар ишлари бўйича масъул (Рахимов), Халқаро ҳамкорлик, фан ва таълим бўлими (О. Қодиров), “Геология фанлари университети” ДМ (М. Исоқов), Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги касаба уюшмаси (Ф. Магдиев), тизим ташкилотлари раҳбарлари
13.	Соҳада ёшларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш шароитларини ўрганиб чиқиб, уларни янада яхшилаш чораларини амалга ошириш (79-модда).	Вазирлик ва тим ташкилотларининг ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини “Ёшлар баланси” асосида ёшларнинг ижтимоий ҳолати, қизиқиши ва муаммоларининг хусусиятидан келиб чиқиб йўлга қўйиш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i>	2023 йил июнь	Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, Ёшлар ишлари бўйича масъул (Рахимов), Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги касаба уюшмаси (Ф. Магдиев), тизим ташкилотлари раҳбарлари
<b>IV. Дунёвий давлат принциплари доирасида виждон эркинлиги кафолатларини кучайтириш, миллатлар, конфессиялар ўртасида тотувликни таъминлаш сиёсатини изчил давом эттириш</b>				
14.	Соҳада дунёвий давлат принциплари тарғиботини амалга ошириш.	Ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш бўйича тарғибот ишларини	2023 йил июнь	Ахборот хизмати ва рейтинг бўлими (А. Акабиров), Коррупцияга қарши ички назорат бўлими (Ш. Сағдуллаев), Юридик бўлими (А. Нуркузиев),

Т/р	Устувор вазифалар	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар
		кучайтириш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i>		tizim tashkilotlari rahbarlari
<b>V. Янги тахрирдаги Конституциянинг тарғиботини амалга ошириш ва бошқа ташкилий-ҳуқуқий масалалар</b>				
15.	Янги тахрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ишларини марказий аппарат ва тизим ташкилотларида йўлга қўйиш.	Янги тахрирдаги Конституциянинг марказий аппаратда ва тизим ташкилотларида тарғиботини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш. Тарғибот доирасидаги амалга ошириладиган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш. <i>Тарғибот дастури</i>	2023 йил июндан бошлаб	Юридик бўлими (А. Нуркузиев), Ахборот хизмати ва рейтинг бўлими (А. Акабиров), tizim tashkilotlari rahbarlari
16.	Вазирлик ва тизим ташкилотларида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар қўриш.	Меҳнат учун камситилмаслик, меҳнатга муносиб адолатли ҳақ олиш, ҳомиладорларни ишдан бўшатиш ва иш ҳақини камайтириш тақиқланишига оид конституциявий талабларга марказий аппарат ва барча тизим ташкилотларида риоя этилишини таъминлаш. <i>Амалий чора-тадбирлар</i>	доимий	Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими, Бюджетни шакллантириш ва молиялаштириш бўлими (С. Норматов), Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги касаба уюшмаси (Ф. Магдиев), tizim tashkilotlari rahbarlari